



Ислом Нури

Ассалому алайкум «Ислом нури»ни таратаётган азиз биродарлар! Сизларга Аллохнинг офияти ва хифзини тилайман. Шу билан бирга сизларни тобора якинлашаётган Рамазони шариф ила муборакбод этишга изн бергайсизлар. Аллох таоло ушбу кутлуг ойнинг оталарини согинган мургаклар учун хурсандчилик табассуми, кўзларида мунг яширинган муслима аёлларга кувонч, дард махзунлик белини буккан ота-оналар учун сурур кўз ёшлари ойи килган бўлсин, илохим. Дуолар ижобатини тезлаштириб, биз учун бир илинж ойи бўлган Рамазонимизни бизга нусрат, фатху-галаба ойи килиб берсин илохим. Умид киламанки, сизлар сайтни рамазон ойида кизикарли ва мухим маълумотлар билан безатасизлар. Мусулмон халкимизнинг маърифати хидоятини зиёдалашишига янада кўпрок хисса кушасизлар. Янги таржимамни такдим этарканман, мусулмон биродарларимизга бир Рамазон тухфаси сифатида кабул этгайсизлар. Сизларга чуқур эҳтиром ва мухаббат ила **Бобур Мирзо**.

Рамазон ойини ажр ва фойдаларга эришадиган мавсум килган зот-Аллохга хамдлар, нажот ва хидоят элчиси бўлган пайгамбаримизга салавот ва салом бўлсин. Ва у кишининг оилаларига, асхобларига ва уларга шоду-хуррамлик Кунигача яхшилик билан эргашган зотларга хам саломлар бўлсин.

Бу сўзимни сизга бир дўст сифатида, сизга факат яхшиликни илиниб такдим этаман ва сизга муваффакият ва зафар ёр бўлишини умид этаман. Бу сўзларимни бир насихат деб кабул килгайсиз. Сўзларимни диккат билан тингланг ва калималарим учун калбингизни очинг. Сизга насихат килаётгани айбу нуксонларига бокманг, балки, нимага чакириб насихат этаётганига бокинг. Агар хайрли бўлса кабул килинг, агар ундок бўлмаса, мен сизга вакил, кўрикчи эмасман.



Ислом Нури

Суюкли дўстим, ўзингиз учун Рамазон ойига қандай тайёргарлик кўрдингиз? Бу шундай улуг ойки, унда жаннат эшиклари очилади, жаханам эшиклари кулфланади, шайтонлар кишанланади ва мана шу кутлуг ойда Аллох таоло солих бандаларини дўзахдан озод этади.

Унда тавба килишга азм этдингизми?

Унда Аллохга қайтишга ва инобат-бўйсунушга қарор қилдингизми? Унда жамики маъсият ва мункаротлардан халос бўлишга ва Еру осмонлар роббисига қиладиган ибодатларингизда ҳаётингизнинг янги саҳифасини очмоққа ният қилдингизми?

У ойда қилажак кундалиқ ибодатларингизни режасини тузиб қуйдингизми?

У улуг ойнинг кунлари-ю тунларини нима билан қарши олмакчисиз?

Бу саволларнинг барчасига ростгуйлик ва очикқўнгиллик билан ижобат қилмоқ лозим, токи тоат ва ибодатларимиз суғуст бўлиб, бу ой кириб, чиқиб кетиб қолиб, шундай улуг ва фазилатли ойнинг кунлари ва соатларини ҳавода тўзгиган чанг қаби бекорга зое қилиб қўймайлик.

Тавбани бошланг

Дўстим! Ишингизни тавба билан бошланг деб, сизни қийин аҳволга солмоқчи эмасман, балки айтмоқчиманки, тавба йўлнинг аввали ва ниҳоясидир. У шундай манзилатки, Аллох сари йўл тутувчилар ўзларини барча сафар ва хижратларида унда маҳкам ўрнашадилар. Демак, тавба – кўпчилик одамлар гумон қилганидек фақат осийлар ва адашганларнинггина тутадиган манзили эмас. Тавба қилувчиларнинг



Ислом Нури

саййиди ва обидларнинг имоми бўлган зот- Расулуллох саллолоху алайхи васаллам: «Эй инсонлар! Аллохга тавба килинглари, зеро мен бир кунда етмиш марта тавба киламан» деб мархамат килганлар. (Муслим ривояти)

Аллох таоло бандаларини тавбага чакирган чоғда уларни иймон сифати билан хослаб нидо килган: «Барчангиз Аллохга тавба килингиз эй муминлар! Шояд (шунда) икболли бўлсангизлар». (Нур:31) Барчамизда гунохлар, хато-камчиликлар етарли. Ёки хато килмаган ким бор? Ёки гунох килмаган ким бор? Ёки ичимизда осийлик килмаган ким бор?

Аллох субханаху ва таоло гунохларни кечирувчи бўлган зотдир, кундузи килинган гунохларни кечириб учун тунда, тунда килинган гунохларни кечириб учун кундузи кўлини очиб туради. У зот Тавба килувчиларнинг тавбасини, осий-гунохкорларнинг надоматини эшитиб шод бўлади. Шунинг учун ҳам магриб тарафида кенглиги етмиш йиллик масофада бўлган бир улкан эшик килганки, бу эшик токи куёш ўзининг ботадиған тарафидан чиккунга қадар, яъни киёматгача очик туради. (Термизий ривояти, хасан, сахих хадис)

Дўстим сизга айтсам, тавба жуда осон, енгил иш, машаккатли, серзахмат эмас. У тийилиш, надомат ва азму-қарордир. Гунохлар ва ёмонликлардан тийилиш, утган гунохларни эътироф этиб, надомат чекиш ва келажакда ўша гунохларга қайтмасликка қатъий азму-қарор қилишдир.

Вактнинг ахамияти

Дўстим! Агар ўтган гунохларга надомат, келажакда уларни



Ислом Нури

такрорламасликка қарор қилган бўлсангиз, у ҳолда сиз турмушингизга диққат-эътибор қилишингиз, келажак билан ўтмиш орасида турганингизни ҳис қилишингиз ва ҳозирги дамларингизни ислоҳ этишингиз лозим бўлади. Аниқки, сиз бу вақтни зое қилсангиз, саодатингиз ва нажотингизни зое қилган бўласиз. Агар умрни ганимат билиб, вақтга эътиборли бўлсангиз, албатта, лаззат, роҳат ва неъматларга мушарраф бўлурсиз.

Имом ибн Қоййим Жавзийя айтган эканлар: «Кўпчилик одамлар умрларини нимага сарф этаётганларига қарадим. Узун тунлари фойдасиз гаплар ёки бефойда китобларни ўқиш, кунлари эса уйқую гафлат билан ўтмоқда. Кундузлари ё Дажла бўйида ёки бозорларда ўтади!!! Уларни кемада гаплашиб, кетиб бораётган кишиларга ўхшатдим. Уларда хайр-яхшилиқ йўқдир. Яна мавжудликни маъносини фаҳмлаган камчилик, нодир инсонларни ҳам учратдимки, улар амал мавсумларида ўтиб кетмасдан илгари шошилиш керак бўлган вақтларни ганимат билиб, сафарга озука жамлаш, тайёргарлик ҳаракатида шошилиб юрибдилар...» Яна айтадиларки: «Инсон ўз умрининг шарафини, вақтининг кадрини билиши лозим. Унинг бир лаҳзасини ҳам беҳудага совурмаслик, сўз ва ишнинг энг афзалини муқаддам қўйиши керак.» Салафлардан бирининг ҳузурига ўлим тўшагида ётганда зиёратчилар кирганида уни намоз ўқиётган ҳолда топдилар. Уни ўзини кўп уринтирмасликка чақирганларида: «Хали-замон амалларим саҳифалари ёпиладиган бўлаяптику ахир!!!» деган эди.

Агар инсон дурустроқ уйлаб кўрса, ҳар қанча жидду-жаҳд қилмасин унинг ниҳояси бор. Ўлим уни амал қилишдан узиб қўяди. Қилган яхши амалларининг ажригина ўлиmidан сўнг давом этиб туради.



Ислом Нури

Салафларимизнинг ибодатдаги тиришкокликлари

Дўстим, куйидаги мисоллар салафи киромларимиз Аллох таолонинг ибодатида кўрсатган тиришкокликларининг эркин намуналаридир. Шоядки, уларнинг хаётларига назар солиб, у зотлардан ибодатларда мустахкам бўлиш ва олийхимматлик каби сифатлардан ўзингиз учун бироз мерос олсангиз:

*Пайгамбаримиз саллоллоху алайхи ва саллам намозларида узок турганлари сабабли оёқлари шишиб кетарди. Бунчалик уринишни «Ахир шукр килувчи бандалардан бўлмайинми?» дея изохлардилар. (Муттафакун алайхи)

* Абу Бакр розияллоху анху хусусан намоз ва Куръон тиловатида жуда кўп йиглар эдилар.

* Умар розияллоху анхунинг ёнокларида кўп кўз ёш тўкишнинг аломати бўлган кора чизиклар бор эди.

* Усмон розияллоху анху Куръони каримни бир ракъатда ўкиб тугатган вақтлари ҳам бўлган.

* Али розияллоху анху меҳробда намоз ўкир эканлар, соколлари кўз ёшидан хўл бўлиб кетарди ва «Эй мени чалгитган ва гурур-хаддан ошишга чакирган дунё, сен уч талоксан, сенга кайтиш йўқдир!» дер эдилар.

*Катода хар етти кунда Куръонни хатм килар эдилар, Рамазонда эса хар уч кунда, охириги ўн кунликда эса хар куни ўкиб, хатм килар эдилар.



Ислом Нури

*Суфён Саврий кўркувдан кон йиглар эдилар.

*Саъид ибн Мусаййиб масжидни ўзларига лозим тутган, кирк йил давомида бирор марта жамоат намозини колдирмаган эдилар.

Рамазон - фурсат ганимат

Суюкли дўстим! Ўзингизга маълум, дунё тожирлари мол-дунё жамгаришда ҳеч бир фурсатни кўлдан бермай тиришиб ҳаракат қиладилар. Катта фойда, мўмай даромад келтириши мумкин бўлган ҳар қандай йўлдан фойдаланишади.

Нима учун сиз Аллоҳ билан тижорат, олди-сотти қилмайсиз? У зотнинг берадиган улкан савобларию катта муқофотларига ноил бўлиш учун тоат-ибодатларга, амали солихларга шошиб-ўзмайсиз?

Рамазон, бу-шошилувчилар унга шошадиган, такводорлар унга ҳозирлик кўрадиган, сергак, уйғок одамлар ундан гофил қолишмайдиган улкан бир фурсатдир. У қалби ёмонликлардан саломат бўлган, аъзолари тўғри йўл-истикоматда мустаҳкам бўлган ва унга зарарли бўлган ёки фойдаси бўлмаган нарсалар билан вақтини зое этмаган кишилар учун гуноҳлар мағфират қилинадиган, жаннатга эришиладиган, дўзахдан нажот топиладиган ойдир.

Дўстим, шу ўринда сизга бу ойнинг вақтларини ганимат билиб, солих амаллар билан кечирришга ёрдам берадиган бир неча ишларни маслаҳат берамиз:

1. Рамазон рўзаси-одат эмас ибодатдир:

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам : «Қимқи Рамазон рўзасини



Ислом Нури

(унинг фарзлигига) иймон билан, унга бериладиган савобни умид килиб тутса, ўтган гунохлари кечирилади» деб марҳамат килганлар. (муттафакун алайх; яъни Бухорий ва Муслим ривоятлари) Бу хадисдаги «Савобни умид килган холида» нинг маъноси эса, «Аллохдангина савоб умид этиб, риё ва сумъадан холи, мол-дунё максадида бўлмаган холда» демакдир.

2. Рамазон-шукри адо килиниши лозим бўлган неъматдир.

Дўстим Рамазон келишидан илгари ўлим етган инсонлар хақида ўйлаб кўринг. Уларнинг амаллари тўхтади, саҳифалари ёпилди. Энди улар оз бўлсада хасанот ёки хайрли иш кила олмайдилар. Сиз эса, Аллох умрингизни узайтириб, бу улуг ойга етиб келдингизми, энди мана бу савоб ва ажрларни жамлашга ҳаракат килинг. Булар –Аллохга касамки, етказгани учун Аллохга ҳамду сано айтиш керак бўлган ва шукр килишлик вожиб бўлган улкан неъматдир.

3. Уйку ва бедорлик.

Дўстим, агар сиз Рамазон кундузларини уйку, кечаларини бедорлик ва ўйин-кулгу билан ўтказадиган бўлсангиз у холда, рўзадорлик ва ибодатларда коим бўлганлик савобидан махрум бўлиб коласиз ва бу ойдан кўллариңгиз бўш холда чикасиз. Аллохга касам, бу ой санокли кунлар ва фазилатли кечалардир. Бу кунларда, Аллох сизни раҳм килур, эртага лаззат ва неъматларга элтувчи бўлган тоат-ибодатларда тиришинг. Бу ой кириб келсада, гафлатда юришдан сакланинг. Расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам : «Рамазонга кириб, ундан гунохлари магфират килинмасдан чиккан кишининг бурни ерга ишқалсин» дедилар. (Термизий ва Хокимлар ривояти)



Ислом Нури

4. Рамазон -Куръон тиловати ойи.

Рамазон-Куръон ойи. Салафлар Рамазон кириши билан Куръон тиловатига каттик берилишар, уни бошка барча ибодатлардан кўра аввалги ўринга кўяр эдилар. Ривоят килинишича, уларнинг баъзилари бу ойда хар куни Куръонни хатм килиб, ўкиб чиқар эдилар. Сиз ҳам бу ойда тиловат коидаларига имкон қадар риоя килиб, тадаббур, тартил ва хушуъ билан Куръон тиловатига бел боғланг.

5. Киёми лайл-тунги ибодат

Тунги намозларни адо қилиш Рамазондан бошка ойларда суннати муаккада бўлиб, Рамазонда эса янада таъкидлангандир. Бу масжидларда адо қилинадиган таровех намозлари бўлиб, унга диққат қилмоқ ва имом билан бирга охирига етказмоқ лозимдир. Расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам : «Кимки имоми билан то у намозини тугатгунича намозда бирга қоим бўлса, бу намоз унга киёми лайл -тунги намоз сифатида ёзилади» деб мархамат қилганлар. (Сунан сохиблари ривоят қилганлар. Термизий саҳих санаганлар).

6. Садака

Рамазонда садака қилиш бошка ойлардан кўра фазилати ва савоби кўпроқдир. Расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам Рамазон кирса жуда ҳам кўп садакалар қилар, янада саҳий, мурувватли бўлиб кетар эдилар. Бу ойда садакалар қилишга, ўзингизда бор нарсалардан бошкаларга инфок- эҳсон қилишга каттик интилинг.

7. Рўзадорларни таомлантириш

Шунингдек, рўзадорларни таомлантириш, фақир ва мискинларга



Ислом Нури

ифторликлар бериш каби ишларга харис бўлинг. Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам: «Ким рўзадорни таомлантурса, унинг топган ажри мисоличалик ажру-савобга эришади» деб мархамат килдилар.

8. Масжидларга катнаш

Ер юзидаги энг яхши жойлар масжидлардир. Намозларни масжидда жамоат билан адо килишга ҳаракат килинг. Намозларни адо килгандан сўнг, масжидда қолиб кейинги намозларни кутинг. Нафл ибодатлардан бирортасини қолдирмай адо килишга интилинг. Чунки нафл ибодатлар, фарз амаллардаги камчиликларни тўлдиради ва Аллохнинг мухаббатига эриштиради. Аллох таоло ҳадиси қудсийда мархамат қилади: «Бандам менга нафл ибодатлар ила қурбат-яқинлик ҳосил қилиб борар экан, Мен уни яхши кўриб қоламан.» (Бухорий ривояти)

9. Охирги ўн кунлик

Азиз дўстим, охирги ўн кунликда ибодатлардаги тиришқоклигингиз ўтган кунлардан кўра қучлироқ бўлишига ҳаракат килинг. Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам охирги ўн кунлик бошланса, ўзлари кечалари ибодатлар билан бедор бўлар ва ахли-оилаларини ҳам шунга тарғиб қилиб уйготар эдилар. (Муттафакун алайхи)

10. Лайлатулқадр-қадр кечаси

Қадр кечасини Рамазоннинг охирги кунларидан изланг. Хусусан, охирги тоқ кунлардан қидиринг. У тунларни намозда қоимлик, Қуръон тиловати, зикр, дуо ва бундан бошқа ибодатлар ила ўтказинг. Чунки у



Ислом Нури

кечада килинган ибодатнинг савоби, кадр кечаси бўлмаган минг ойда килинган ибодатнинг савобидан яхши.

11. Кўзни тийиш

Аллох таоло харом килган нарсаларга карашдан кўзни саклаш, кам амал килинадиган ибодатдир. Нима учун бу улкан ибодатни тирилтириб, амалга оширишга харакат килмайсиз?

12. Зикр

Барча холатларингизда Аллохни эсловчи зокир бўлинг. Аллохни зикр этувчилар шак-шубхасиз дунёю охиратда нажот топувчи кишилардир.

13. Дуо

Дуо ибодатдир. Бу банданинг Роббисига барча холатларида доимо мухтожлиги ва факирлигига далилдир. Аллох таоло ушбу оятда дуони ибодат деб номлаган: «(Эй инсонлар), Парвардигорларингиз: «Менга дуо-илтижо килинглар! Мен сизларга (килган дуо-илтижоларингизни) мустажоб килурман. Албатта менга ибодат килишдан кибр-хаво килган кимсалар якинда бўйинларини эгган холларида жаханннамга кирурлар», деди» (Гофир:60) Сиз хам дўстим, дуо ибодатидан гофил колманг.

14. Эътикоф

Эътикоф масжидда хозир бўлиб, Аллох ибодатида хилватда бўлишдир. Эътикоф кунларингизни лагв, сафсата, беҳуда сўзлар билан зое килиб куйиб, кайтанга сиздан кўра эътикофда бўлмаган одам яхши бўлиб колмасин.



Ислом Нури

15. Ейиш ва ичиш

Кўп ейиш ва ичишдан ўзингизни тийинг. Чунки у ибодатларда дангасалик, эринчоклик ва бўшашишликка олиб келади.

16. Четланиш керак бўлган мункар ишлар:

- Рамазон ойида, кундузлари чекишдан ўзингизни тийиб юришингиз сизнинг катъиятингиз, ирода кувватингизни далилидир. Шундай экан нима учун кечасию кундузи ўзингизни ундан тийишга ҳаракат қилмайсиз?
- Мусика эшитишдан ўзингизни эҳтиёт қилинг. Чунки у қалбни бузади ва ғайратни сўндиради.
- Рамазон ойини телевизордаги турли сериаллар, филмлар ва турли телешоуларни кўришдан ҳалос бўлиш мавсуми қилинг.
- Кўп қулиш ва латифабозликдан ўзингизни тийинг. Чунки бу нарсалар қалбнинг каттиклашиши ва Аллоҳ зикридан гофил бўлиш, қалғишни келтириб чиқаради.
- Бекорчи, ёмон инсонлар билан бирга бўлманг. Агар улар билан бўлсангиз сиз ҳам ўшалардан бири бўлиб қоласиз.
- Дунёдаги энг ёмон жойлардан бири бозорлардир. Зарурат бўлмаса у ерларда камрок бўлганингиз маъқул.
- Эркак-аёллар аралаш бўладиган ўринлар ёки хилватда ёлғиз эркак билан аёлнинг қолиши фасод, ёмонликлар ва оммавий укубатларнинг катта сабабларидандир. Бу нарсалардан эҳтиёт бўлинг!
- Тил билан содир қилинадиган гуноҳлардан сақланинг. Чунки бу рўзани савобини қетказиб қўядиган нарсалардир. Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам: «Қимқи ёлгон гувоҳлик бериш, унга амал қилиш ва жохилликдан тийилмас экан, уни ейиш, ичишдан



тийилишини Аллохга хожати йукдир» деб мархамат этганлар.
(Бухорий ривояти)

Набийимиз Мухаммад ва у кишининг оилалари ва асхобларига
саломлар ва салавотлар бўлсин.

Сизларга муборак Рамазон кечаларини файзли ўтиши ва дунёю
охиратингизга улкан манфаатлар келтиришини тилаб
Аллох йўлида сизни яхши курувчи дўстингиз Бобур Мирзо.